

ТУРКИСТОН ПРОКУРОРЛАРИНИНГ СИЁСИЙ ХУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

Давлетов Дилмурад Давлетович

E-mail: dimadavlet1@gmail.com

Хуқуқни муҳофаза қилиши академияси

Прокурорлик фаолияти мутахассислиги II босқич магистранти

Аннотация. Мазкур мақолада 1920 йилларда Туркистон АССР худудида олиб борилган суд-хуқуқ ислоҳотлари, прокуратура органларининг ташкил этилиши, миллий прокурор раҳбарлар ҳақида қисқача баён этилган.

Калит сўзлар: Туркистон АССР, прокуратура, Марказий Ижроия Кўмитаси, Халқ Комиссарлари Кенгаши.

Туркистон худудида XX асрнинг 20-йилларида ташкил этилган прокуратура органларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги роли ошиб борди. Ушбу даврда прокуратура органларининг ватанпарвар ходимлари ўзларининг билим ва салоҳиётларини Туркистон халқининг хуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий тафаккурини ривожлантириш бўйича сермаҳсул фаолият юритдилар.

Ўша йилларда Туркистон АССРнинг олий ҳокимият органи – Марказий Ижроия Кўмитаси қонун меъёрларини ишлаб чиқиши билан чекланмасдан балки амалдаги қонунларнинг бажарилиши устидан ҳам назорат олиб бораарди. Шу билан бирга, ҳамма учун бажарилиши мажбурий бўлган қонунларнинг бузилишига йўл қўяётганларни қидириб топиш, уларнинг жиноятларини фош қилиш ва инқилобий қонун нормаларини қўллаб, жазо берилишини таъминлаш вазифасини Туркистон Халқ Комиссарлари Кенгаши амалга оширас эди. Туркистон Мухтор Совет Социалистик Республикасида прокурор назорати ҳақида 1922 йил 31 октябрда қабул қилинган Низомга юқоридаги талаб ва тартиблар асос қилиб олинди.¹ Низом талаблари дастлаб, Туркистон прокуратураси, сўнгроқ Ўрта Осиё республикалари қайта ташкил қилиниб, бўлиб юборилганидан сўнг Ўзбекистон ССР прокуратураси томонидан тадбиқ этила борди.

Туркистон ўлкасида дастлаб прокурор вазифаси асосан ўлкадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни инобатга олган ҳолда марказдан келган мутахассислар бошқарувига берилди. Туркистон АССР Прокуратураси ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида кадрлар етиштириш масаласини ижобий ҳал қилди,

¹ Фарғона вилояти Давлат архивлари фонди. 1086. 1. р. йж. 303. 9-варак.

прокуратура органларининг моддий ва молиявий таъминоти яхшиланди, прокуратура бўлимлари орасидаги ўзаро алоқалар жонлантирилди. Туркистон ўлкасида янги ташкил этилган прокуратура органлари зиммасига ҳудудлардаги совет хукумати дуч келаётган муаммолар кўламига эътибор қаратган ҳолда алоҳида вазифалар юклатилган.

Жумладан, 1920 йилдан бошлаб Туркистон АССР адлия халқ комиссари ва прокурори лавозимида меҳнат фаолият олиб борган **Дўст Устабоев** прокуратура органларининг функционал вазифаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда унинг милиция ва бошқа суриштирув органлари қўзғатадиган жиноят ишлари ва жиноят ҳақидаги материаллари устидан назоратни тўлиғича прокуратура олиб бориши лозимлиги ва бошқа ташкилотларнинг бу ишга аралашуви жамият ва давлат манфаатларига зид бўлиши ҳақидаги фикрлари суд-хуқуқ тизими талабларига тўла мос келган.

Шунингдек, концентрацион лагерлар Ички ишлар халқ комиссарлиги (НКВД)дан Адлия халқ комиссарлигига ўtkазилишини таклиф қилиб, кичик қамоқхоналарни маҳаллий милиция бошқармаларига ўtkазишга қисман эришган.

Айниқса, Д.Устабоев раҳбарлигига ишлаб чиқилган “Туркистон Республикасининг давлат прокуратуроси тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ўзбек миллати манфаатларига монанд ва қадриятларига асосланган бўлиб, 1922 йил 29 март қуни Туркистон халқ комиссарлари кенгашида қабул қилинган².

Бундан ташқари, 1923 йилнинг 14 апрелида Туркистон Республикасининг Адлия халқ комиссари ва май ойидан бошлаб Республика прокурори вазифаларини бажаришга киришган **Бўтабой Дадабоев** фаолияти ҳам Туркистонда ташкил топган дастлабки прокуратура органларининг туб вазифаларини ёритишида улкан манба ҳисобланади. У бу соҳада 1924 йилнинг 8 январига қадар фаолият юритади. Ушбу даврда адлия ва прокуратура соҳасида қатор муҳим ташкилий ишларни амалга оширишга улгуради. 1923 йилнинг 13–18 сентябр кунлари Туркистон Республикаси прокуратура ходимларининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтади. Бу йиғилишда у прокуратура тизимида амалга оширилиши режалаштирилган масалаларга, айниқса, кадрлар етишмаслиги, бор кадрларнинг касбий билимлари камлиги, ушбу тизим фаолиятига ижро ташкилотларининг асоссиз аралашуви, жойларда прокуратура тизими талаб даражасида эмаслигини айтади. ТАССР советларининг X съездидан Бўтабой Дадабоевнинг масаласи кўрилиб, у инқилобгача подшо приставининг тилмочи бўлган деган айблов билан барча вазифаларидан озод этилади.

² О.Султонов, Халқ берган унвон., Мақола, “Хуқуқ” газетаси, №-50-сон, 12.12.2024 йил, 3-бет.

1922–24 йилларда Туркистон Республикаси Марказий Ижроия қўмитасининг аъзоси бўлган Бўтабой Дадабоев 1924 йилнинг февралидан бошлаб Республика Ер ишлари бўйича комиссарининг биринчи ўринбосари ва шу комиссарият қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи сифатида иш олиб боради. 1924 йилнинг охиридан бошлаб Тожикистон Республикасини ташкил этиш билан бирга у ерда раҳбарлик фаолиятини йўлга қўйиш ишларида иштирок этади.³

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Б.Дадабоев ташабуси билан 1923 йилнинг 13–18 сентябр кунлари ўтказилган Туркистон Республикаси прокуратура ходимларининг биринчи йиғилиши прокуратура органларида коллегиал органларнинг ролини очиб берган ҳолда, тизимдаги камчилик ва хатоларни коллегиал тартибда ҳал қилиш механизми яратилган.

Бундан ташқари, ушбу йиғилишда қўтарилилган *кадрлар етишмаслиги, бор кадрларнинг касбий билимлари камлиги, ушбу тизим фаолиятига ижро ташкилотларининг асоссиз аралашуви, жойларда прокуратура тизими талаб даражасида эмаслигини масалалари ўзининг долзарблиги ҳамда прокуратура тизимини Туркистон халқи манфаати учун хизмат қилишини кафолатловчи ҳодиса сифатида баҳоланади*. Зоро, ушбу даврда собиқ Иттифоқ марказидан Туркистон ўлкаси ижтимоий ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлмаган, туб аҳоли манфаатлари билан ҳисоблашмайдиган “десант кадрлар”ни Туркистон прокуратураси органларидағи юқори лавозимларга тайинлаш амалиёти йўлга қўйилганди. Жумладан, 1924 йил сентябргача Фарғона вилоят давлат прокурори вазифасини собық Иттифоқ марказидан юборилган С.Погодин бажарган бўлса, 1924 йил сентябрь ойидан Фарғона вилоят давлат прокурори вазифасини Қирғизбоев бажарганлиги⁴ Б.Дадабоев томонидан қўтарилилган маҳаллий кадрлар етишмаслиги муаммоси нақадар долзарб бўлганлигини тасдиқлайди.

Бироқ, атоқли давлат арбоби томонидан миллий манфаатлар йўлида амалга оширилган ишлар мустамлакачи маъмуриятнинг сиёсатига тўғри келмаганлиги сабабли, 1930 йилларда авж олган “қатағон сиёсати” нинг қурбонига айланиб, 1938 йил 4 октябрь куни отиб ташланади⁵.

Умуман олганда, миллий кадрлар томонидан 1920 йилларнинг бошида Туркистон ўлкасида прокуратура органларининг фундаментал вазифаларини бажаришига бўлган уринишлардан мақсад суд-хуқуқ тизимини инсон хуқуқларини таъминловчи механизмга айлантириш бўлган. Зоро,

³ ЎзР ПАА, 58-фонд, 65-рўйхат, 219-иш, 97-112-вараклар.

⁴ ФВДА. Ф. 121. 2. р. йж. 114. 19-варак, 1086. 1. р. йж. 303. 9-варак.

⁵ “Тарихий хотира бекиёс”, -Тошкент 2024. 26-варак.

Туркистондаги миллий истиқлолчилик ҳаракатлари зўрлик ва куч билан бостирилган шароитда миллий маърифатпарвар кадрлар шу йўл орқали ўлка ахолисининг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини таъминлашга ҳаракат қилганлар.

Адабиётлар:

1. Эшов.Б, «Ўзбекистон давлатчилиги ва бошқаруви тарихи», Тошкент-2012.
2. Алексеенков П.Кокандская автономия.-Ташкент:Узгиз, 1931.
3. Қ.Ражабов, Туркистон Мухторияти – хукумат кимлардан иборат эди?
<https://oyina.uz>
4. Абдураҳимова Н.А., Эргашев Ф.Р. Туркистонда чор мустамлака тизими. – Тошкент. Академия, 2002.
5. Фарғона вилояти Давлат архивлари фонди. 121. 2. р. йж. 114.
6. О.Султонов, Халқ берган унвон., Мақола, “Ҳуқуқ”газетаси, №-50-сон.
7. ЎзР ПАА, 58-фонд, 65-рўйхат, 219-иш.
8. ФВДА. Ф. 121. 2. р. йж. 114.
9. “Тарихий хотира беқиёс”,,-Тошкент 2024.